*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 5 июнь. Чоршанба. № 36 (14334)

## ПРЕЗИДЕНТ РУМИНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Руминияга жўнаб кетди.

— Руминия ўзига хос маҳсулотлари билан ўзбек харидорларига яхши танишдир, — деди Ислом Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида. — Қолаверса, бу юрт билан Ўзбекистон азалдан дўстона алоқада бўлиб келган. Энди Ўзбекистон мустақил давлат сифатида Руминия билан ҳар томонлама алоқаларни янгидан боғлаши ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичда давом эттириши керак. Мазкур сафаримиз ана шу мақсадларга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Туляганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

**(ЎзА).**

## ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЎН КУНЛИГИ

Республикамизда жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган экология ва саломатлик ўн кунлиги давом этмоқда. Бу тадбир 10 июнга қадар давом этади. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Қибрай» спорт ўқув-машқ марказида уни тантанали очиш маросими бўлди. Маросимда маҳаллий ҳокимият органларининг, республика табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Бу хайрли тадбир ташкилотчилари — «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ва вилоят ҳокимлиги байрам ўтказиладиган жой сифатида мазкур туманни танлагани бежиз эмас. 1995 йил якунларига кўра, Қибрай тумани ҳар йили ўтказиладиган «Мустақиллик, экология ва саломатлик» республика кўрик-танлови ғолиби деб топилган. Кўрик-танлов давомида ободончилик даражасига, ҳудуднинг санитария ҳолатига, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларининг ташкил этилганига баҳо берилади. Туман соғлиқни сақлаш органларининг вакилларига «ЭКОСАН» жамғармасидан мукофот сифатида тақчил дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар топширилди. Улар шифохоналарга етказиб берилади.

Экология ва саломатлик кунлари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни — 1 июнда очилди. Шу боис вилоятнинг барча туманларидан болалар уйлари ва интернат-мактабларнинг тарбияланувчилари байрамнинг асосий меҳмони бўлди. Уларнинг ҳар бирига кийим-кечак, китоблар, ўқув ашёлари совға қилинди, совға учун маблағни эса ҳомийлар — вилоят корхоналари ва ташкилотлари ажратди.

Ўн кунлик бошланди. «ЭКОСАН» жамғармаси ва БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ автопоездлари Навоий вилояти ва Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Бу поездларга дори-дармонлар, болалар кийимлари, мактаб анжомлари юкланган.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ёшлар ижоди*

## ЭФИРДА — САМАРҚАНД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ!

Ҳар бир ишнинг бошланишига маълум сабаб бўлади. Самарқандда телевидениенинг ташкил этилиши Фирдавс Абдухолиқов деган ташаббускор йигит номи билан боғлиқ. Буни ҳамма билади.

...Фирдавс шаҳримизнинг ажойиб кишилари, ишлари ҳақида репортажлар тайёрлаш ва уни халққа тақдим этиш фикри билан юрарди. Телевидениенинг илк кўрсатуви 1991 йил Наврўз тантаналарида эфирга чиқди. Орадан бир неча ой ўтиб, кўрсатувлар мунтазам эфирга узатила бошланди.

1991 йилда шаҳар ижроия қўмитаси ҳузурида «Самтелепресс» деган иккинчи студия ҳам иш бошлади. Энди рақобатлашиб ишлашга тўғри келарди. ТКС номи билан иш юритаётган Фирдавс ва унинг сафдошлари бири-биридан ёдда қоларли кўрсатувлар тайёрлашга интилишди. Ҳужжатли фильмлар суратга олина бошланди.

1992 йили шаҳардаги икки телевидение бирлаштирилиб, Самарқанд телевидениеси деган умумий ном олди. Ижодий томондан анча етилган ёшлар қўшни республикаларга, чет элларга ҳам ижодий сафарларга чиқа бошладилар.

1993 йилда АҚШ элчихонасининг таклифига биноан бир гуруҳ ижодий ходимлар Америкада бўлишди. Ана шу сафардан хотира сифатида «Биз билмаган Америка» номли беш қисмдан иборат ҳужжатли фильм тайёрланди. Бу фильм томошабинлар ва АҚШнинг Вашингтондаги информация агентлигининг штаб квартирасидан ижобий баҳо олди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу жуда катта ютуқ эди.

Самарқанд телевидениеси бир неча йилдан бери ЮСИА ахборот агентлиги билан амалий ҳамкорлик қилади. Жаҳондаги йирик «Интерньюс» агентлиги ҳам самарқандлик тележурналистлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган.

Фалакиёт оламининг султони бўлмиш Мирзо Улуғбек ҳақидаги «Мирзо Улуғбек» тарихий-ҳужжатли фильм ҳам ана шу ижодкорлар томонидан яратилди. Туркия, Покистон, Сурия, Бирлашган Араб Амирликларига ижодий сафарлар ташкил этилди. Бугунги кунда ижодий жамоа Москванинг «ТВ-6», «НТВ», «2х2» телеканаллари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Бу ҳазилакам гап эмас. Биргина ана шу ёшлар телевидениеси вилоят томошабинлари учун ана шунча имкониятларни ярата олишган.

Бугина эмас, 1996 йил февраль ойидан бошлаб «СТВ» телекомпанияси қошида «УМИД» жамоатчилик телевидениеси ҳам иш бошлади.

Мақоланинг ёзилишига ҳам сабаб бор. Қисқа вақт ичида арзирли ютуқларни қўлга киритган Самарқанд телевидениесининг ташкил этилганига 5 йил тўлди. Худди шу куни тележурналистлар яна бир туҳфа ҳозирлашди.

Фирдавснинг ниятлари аста-секин рўёбга чиқмоқда. Лекин у ҳали асосий орзуларига етишиш йўлида интилмоқда. 33 ёшни қоралаган Фирдавс бугунги кунда 150 кишилик ижодий жамоага бошчилик қилмоқда.

Телевидение нигоҳлар орқали юракка киради. Унинг таъсир доираси ҳақида гапиришга ҳожат ҳам йўқ.

Ёшлар ташаббуси билан юзага келган ва ижодкор ёшларни ўзига бирлаштирган Самарқанд телевидениеси бундан-да камолотга эришишларига ишонасан киши

**.Гули ЧЕҲРА,**
**«Туркистон»нинг ўз мухбири.**

*«Ўзбекистон — Ватаним маним»*

**Бахрулло ЛУТФУЛЛАЕВ мусиқаси** — **Абдусаид КЎЧИМОВ шеъри**

## ТУРКИСТОНИМ, ЯЙРА!

*Юз йиллик маломат ёмғири тинди,*
*Қафаслар бузилди, калтаклар синди,*
*Гулим-гулзоримга бахт қуши қўнди.*
*Эй, дилим, истиқлол нурида яйра,*
*Туркистоним яйра!*
*Туроним яйра!*

*Не бахтки, бек бўлдинг ўзингга ўзинг,*
*Ўзингники бўлди ҳар бўтакўзинг,*
*Айтганинг айтгандир, сўзингдир сўзинг,*
*Эй, дилим, истиқлол нурида яйра,*
*Туркистоним яйра!*
*Туроним яйра!*

*Киприкдан оқизмай қатра кўз ёшинг,*
*Кишанларни узди шердил юртбошинг,*
*Истиқбол уфқида балқар қуёшинг,*
*Эй, дилим, истиқлол нурида яйра,*
*Туркистоним яйра!*
*Туроним яйра!*

*Энди ғанимларинг ғамга ботурлар,*
*Тулкидек панада пусиб ётурлар.*
*Отланинг, Алпомиш, Авазботирлар!*
*Эй, дилим, истиқлол нурида яйра,*
*Туркистоним яйра!*
*Туроним яйра!*

*Садоқатинг кўрсат ота маконга,*
*Ота маконингни кўрсат жаҳонга,*
*Жаҳон қучоқ очди Ўзбекистонга,*
*Эй, дилим, истиқлол нурида яйра,*
*Туркистоним яйра!*
*Туроним яйра!*




*Расмий ташриф арафасида*

## РУМИНИЯ: ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Руминлар азал-азалдан Карпат тоғи салобатидан руҳланиб, Дунай мавжларидан илҳом олган қадимий халқдир.***

Румин халқи тарихи эрамиздан аввалги биринчи асрларга бориб тақалса-да, у ягона миллат сифатида эрамизнинг 17-18 асрларида шаклланди. Аҳолининг асосий қисми боғдорчилик, ғаллакорлик билан машғул бўлган. Вақт ўтиши билан Европада саноатнинг, туризмнинг ривожланиши Руминия қишлоқ хўжалигини ҳам саноатлашишига имкон яратди. Сайёҳлик мамлакатнинг асосий даромад манбаига айланди.

1989 йилги инқилобий ўзгаришлардан сўнг мамлакатда мураккаб тарихий жараёнлар бошланди. Ишлаб чиқариш суръати сусайди. Иқтисодий инқироз чуқурлашди. Аҳоли турмуш даражаси пасайди. Бироқ, мамлакатда эҳтиёткорлик билан бошланган ислоҳот натижасида аста-секин ижобий ўзгаришлар юзага чиқа бошлади. Мутахассислар Руминия иқтисодиётида сезилаётган ўсиш суръатини хусусий тармоқнинг ривож олаётганини ҳамда қишлоқ хўжалиги ўнглана бошлаганида, деб баҳолашмоқда. Масалан, 1992 йилда Руминия илк бор ғаллани четдан сотиб олишга мажбур бўлиб қолган эди. Изчил иқтисодий сиёсат натижасида орадан уч йил ўтар-ўтмас, мамлакатда тўла ғалла мустақиллигига эришилди. Ҳатто 1995 йилдан бошлаб ғаллани четга сотиш имконияти пайдо бўлди.

Руминия иқтисодиётидаги барқарорлашувнинг яна бир омили мамлакатда бошланган хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда ваучер усули қўлланилди. Бунда давлат тасарруфидаги корхоналарни тижорат йўлига ўтказиш, давлат ялпи маблағининг 30 фоизини аҳолига текинга бериш, қолган 70 фоизини давлат компанияларига сотишга алоҳида эътибор берилди.

Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида кўрилаётган бу тадбирлар ҳали Руминия иқтисодиётини инқироздан тўла халос қила олгани йўқ. Ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти ҳали давлат тасарруфидадир. Шунга қарамай, иқтисодий ислоҳотлар собитқадамлик билан давом эттирилмоқда.



Руминиянинг Марказий Европада тутган жўғрофий ўрни ҳамиша унинг нуфузини белгилаб келган. Қуйи Дунай соҳилларида барпо этилган Галац, Бриэла, Констанци каби дарё ва денгиз портлари том маънода мамлакатнинг миллий бойлигидир. Руминия Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлиги иттифоқига аъзо мамлакатлардан бири сифатида Қора денгиз ҳавзасида ҳам ўз таъсирига эга. Ана шундай қулай ва арзон сув транспорти йўли чет эл билан ҳамкорлик қилиш Европа, Шарқий Европа мамлакатлари бозорига эркин чиқиш имконини беради.

Мамлакатга хориж сармоясини жалб этиш иқтисодиётнинг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатяпти. Масалан, фаолияти Ўзбекистонда яхши таниш бўлган Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси Руминия автомобилсозлик компанияси қимматбаҳо қоғозларининг 51 фоизини 150 миллион АҚШ долларига сотиб олиб, бу ерга ўз маблағини киритди. «ДЭУ» яқин келажакда шу корхонага яна 950 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя солишни режалаштирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, йилига 200 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу қўшма корхона яқин йилларда Ғарбий Европа автомобиль бозорини забт этиши мумкин.

Металлни қайта ишлаш, транспорт ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, нефть, кимё, қоғоз, тери-пойабзал, ёғочсозлик, енгил саноатни янада ривожлантириш каби бой имконияти бўлган Руминияга АҚШ, Голландия, Италия каби мамлакатлар тадбиркорлари ўз маблағларини киритишда бошқалардан ортда қолаётгани йўқ.

Руминиянинг ташқи олам билан боғланиш кўлами ортгани сайин барча соҳада барқарорлик юз кўрсатаяпти. Шу боис румин халқи демократик йўл билан сайланган ҳукумат ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Айни пайтда Руминиянинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам ортиб боряпти.

Айниқса, Европа Иттифоқи билан Руминия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Руминия ўз тараққиётида Европа Иттифоқига катта умид боғлаган. 1993 йил ноябрь ойида Европа Иттифоқи қошида Руминия ваколатхонаси, Бухарестда эса Европа Иттифоқининг доимий комиссияси фаолият бошлаганидан буён ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди. Савдо-сотиқ, маҳсулот айирбошлаш соҳаларида яхши кўрсаткичларга эришилди.

Руминия инсон ҳуқуқлари, миллий қадриятларни асраш, маданий ҳамкорликни кенгайтириш, сайёҳликни ривожлантириш каби муҳим соҳаларда БМТ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан манфаатли алоқалар ўрнатган.

Руминия давлат ва ҳукумат раҳбарлари Марказий Осиёда катта нуфузга эга бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишга интилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Руминия Президенти Ион Илиеску таклифига биноан мамлакатга таклиф этилиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир. Чунки бу ташриф асосида илк бор икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини яратиш кутилмоқда.

**Ўктам МИРЗАЁРОВ**
**(ЎзА).**

## ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Жами 1100 қути ипак қурти парваришлаб, 48 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси олишган Узун тумани пиллакорларининг харидорлар ва истеъмолчилар олдида юзлари ёруғ бўлди. Ҳар қути пилла уруғидан 43,6 килограммдан «кумуш тола» олинди. «Гулистон», «Серҳаракат», «Хурсанд» ва бошқа илғор жамоа хўжаликлари мўлжалдагидан ортиқ ҳосил олишиб, туман пилла хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшди. Пиллакорлардан Валя Мадраҳимова, Гулсара Исаева, Зайнаб Саидова, Хадича Норқобилова кабилар қабул пунктига ўртача 130-150 килограммдан пилла топширишиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

**Эркин Холбобоев.**

## МОЛЬЕР АСАРИ ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДА

XVIII асрда яшаб ижод этган машҳур француз драматурги Ж. Мольернинг «Қариганда қармоққа илиниб» комедияси Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг битирувчи V-курс музикали драма театри актёрлиги талабалари томонидан саҳнага олиб чиқилди.

Саҳналаштирувчи режиссёр О. Абдураззоқов асарни ҳозирги даврга мослади. Комедия кулгидан иборат бўлса-да, томошабинларни жиддий ўйлашга мажбур этади. Чунки, комедия орқали жамиятда учраб турадиган айрим камчиликлар усталик билан очиб ташланган.

Мазкур спектакл билан талабалар диплом оладилар... Мустақилликни қўлга киритган йилимиз талабаликка қабул қилинган бу истеъдодли ёшлар республикамиз санъатини дунёга танитишда ўзларининг ижодий фаолиятлари билан ҳисса қўшадилар, деб умид қиламиз.

**Шавкат РЕЖАПОВ.**

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 4 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.*

*Сотув ҳажми, 23,81 млн АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 38,00 сўм даражасида қайд этилди.*

*Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.*

